

Сийрат дарслари (145-дарс). Аёл кишига тўрт нарсаси учун никоҳланилади



17:00 / 16.07.2021 3749

539. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аёл тўрт нарса учун никоҳланади: моли учун, насаби учун, жамоли учун ва дини учун. Сен диндорини танлагин, қўлинг тупроққа қорилгур»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

540. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳузурингизга динидан ва хулқидан ўзингиз рози бўлган киши совчилик қилиб келса, унга (сўраганини) никоҳлаб беринг. Агар шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва улкан фасод бўлур»**, дедилар».

Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

541. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«(Отам) Абдуллоҳ вафот этиб, тўққиз ёки етти қиз қолдирди. Жувон аёлга уйландим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Эй Жобир, уйландингми?»** дедилар. «Ҳа», дедим. **«Бокирагами ёки жувонга?»** дедилар. «Жувонга, Эй Аллоҳнинг Расули», дедим. **«Бокирага**

уйланганингда, сен у билан ўйнашар эдинг, у сен билан ўйнашар эди, - ёки «У билан кулишардинг, у сен билан кулишарди», - дедилар. «Абдуллоҳ вафот этиб, тўққиз ёки етти қиз қолдирди. Уларга тенгларини олиб келишни истамадим. Уларга қарайдиган, одоб берадиган аёл келтиришни истадим», дедим. **«Аллоҳ сенга барака берсин!»** дедилар. Ёки менга яхши гап айтдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан